

АБДУРАЗЗОҚ САМАРҚАНДИЙ ВА УНИНГ ИЖОДИ МАСАЛАСИ

Умарова Нигорам Маҳаммадовна

Фарғона вилояти, Олтиариқ 2 сон касб ҳунар мактаби тарих фани
ўқитувчиси

Абдураззоқ Самарқандий ҳижрий 12-шабон, 816 (мелодий — 7 ноябр, 1413) йили Темурийлар давлатининг Ҳирот шаҳрида туғилди. Унинг тўлиқ исми Камолиддин Абдураззоқ, отасининг исми Жалолиддин Исҳоқ Самарқандийдир. Абдураззоқ Ҳиротда туғилганлигига қарамай «Самарқандий» деган нисба билан шуҳрат топганлигига сабаб, отаси Жалолиддин Исҳоқнинг асли самарқандлик бўлганлиги ва яна бўлажак тарихнависнинг ўзи ҳам бир неча муддат Самарқандда яшаганлигидир.

Абдураззоқ Самарқандий дастлабки таълимни Ҳиротнинг ўзида олган. Кейинчалик Ҳиротдаги Темурийлар саройида қозилик ва имомлик лавозимида бўлган отаси ва ўз даврининг зиёлиларидан бўлган акалари Абулғаффор, Абдулқаҳҳор, Абдулваҳҳоблар кўмагида тафсир, ҳадис, фикҳ, тарих ва тил-адабиёт фанлари бўйича чуқур маълумот эгаси бўлиб етишган. Атоқли адаб Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарида Абдураззоқ Самарқандийнинг мазкур илмлар бўйича яхши билимга эга эканлигини қуидаги сўзлар билан тасдиқлайди: «Мавлоно Абдураззоқ... хушмуҳовара киши эрди... зоҳир улумин такмил қилиб эрди ва фазлиёти ҳам яхши эрди...»

Отасининг саройдаги тутган мавқеига кўра тахмин қилиш мумкинки, Абдураззоқ Самарқандий ҳам давлат ишлари билан яқиндан таниш бўлган. Унинг яхши таҳсил кўрганлиги, бу борадаги иқтидори баландлиги туфайли отаси вафотидан сўнг, 1437/38 йили, 24 ёшида Темурийлар саройига хизматга олиниши бежиз эмас. Шундан сўнг, то 50 ёшига қадар, аввал Шоҳруҳ, кейин Ҳирот таҳтини эгаллаган бошқа Темурий ҳукмдорлар - Мирзо Абулқосим Бобур (1452—1457), Султон Абу Саъид (1451-1469) ва таҳтга ўтирган бошқа шаҳзодалар саройида давлат ишлари билан банд бўлади. Унинг замондоши Абдулвосе ан-Низомийнинг ёзишича, Абдураззоқ «хоқони саъид (яъни Шоҳруҳ)нинг давлати замонида узоқ муддатлар шуҳратли ишларни бажаришни бўйнига олган, баъзи соҳибдавлат шаҳзодаларнинг хизматида садоратлик олий мансабига етишган, баъзи бошқаларнинг мулозиматида эса ноиблик ва хосликка эришган».

Бироқ Абдураззоқнинг ўзи асарларида мазкур садоратлик лавозимларини эслатмаса-да, тарихий воқеалар сирасидан унинг Темурийлар давлати хорижий дипломатик муносабатларни олиб бориш-да мухим рол ўйнаганлиги англашилади.

XV асрнинг биринчи ярмида Темурийлар давлати билан Рум (Ки-Чик Осиё), Миср, Ҳиндистон, Хитой ва бошқа мамлакатлар орасида дипломатик

алоқалар йўлга қўйилган эди. Бу алоқаларнинг амалга оширилишида Абдураззоқ Самарқандийнинг ҳам фаол иштирок этганлигига, унинг ўз элчилик сафарлари ҳақида келтирган ахборотлари яққол далил бўлаолади. Чунончи «Матлаъи саъдайн»га киритилган «Ҳиндистон сафари достони ва у ернинг ажойиб-ғаройиботлари» деб номланган ўз сафар эсдаликларида Абдураззоқ Самарқандий 1442 йили Шоҳрух томонидан жанубий Ҳиндистонга юборилган элчиларга бошчилик қилганлигини ёзади. Элчилар 1442 йили 13 январда Ҳиротдан йўлга чиқиб, шарқи-жанубий Эрон, Арабистон, Хур-муз бандаргоҳи, Маскат, Арабистон денгизи орқали 1442 йил 17 октабрида Колькуттага етадилар ва бу шаҳарда беш ой, Вижаянагарда эса 1443 йил охиригача туриб, сўнг орқага қайтадилар. Қайтишда яна денгиз йўли билан Хурмузга, у ердан 1444 йил декабр ойида Ҳиротга етиб келадилар.

Шу каби «Матлаъи саъдайн»да Абдураззоқ Самарқандийни Шоҳрух Гilonга ва бошқа ерларга элчиликка юборганлиги эслатилади.

Абдураззоқ охирги марта Мисрга элчиликка юборилаётган пайтида Шоҳрух вафот этади ва шу боис элчилик амалга ошмайди. Шу каби дипломатик алоқаларда Абдураззоқ кейинги Темурий ҳукмдорлар Абулқосим Бобур, Султон Абу Саъидлар даврида ҳам фаол иштирок этганлиги, унинг ўз сўзларидан маълум. 1463 йилга келиб эса Абдураззоқ Самарқандийнинг ўз илтимосига биноан уни давлат ишларидан озод этдилар ва Ҳиротдаги Шоҳрухия хонақоҳига шайхлик вазифасига тайинлайдилар. Ҳижрий 887 йил жумод ал-аввал (1482 йил, июл-август) ойида шу шаҳарда оламдан ўтади.

Абдураззоқ Самарқандий шеър, араб тили грамматикасига оид рисола ёзганлиги маълум бўлса-да, лекин унинг бизгача етиб келган ягона тарихий асари - «Матлаъи саъдайн ва мажмаъи баҳрайн» («Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки денгизнинг қўшилиш жойи»)дир. Асар форс тилида ёзилган бўлиб, икки жилдни ташкил этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Хатамова, З. (2021). Expenditure of income from taxes and levies in the Kokand Khanate: <https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.1230>. In *research support center conferences* (No. 18.05).
2. Nazirjonovna, K. Z. (2022). SH. VOKHIDOV'S CONTRIBUTION TO THE STUDY OF THE HISTORY OF THE KOKAND KHANATE. *Innovative Society: Problems, Analysis and Development Prospects*, 139-141.
3. Xatamova, Z. (2021, June). EXPENDITURE OF INCOME FROM TAXES AND LEVIES IN THE KOKAND KHANATE. In Конференции.
4. Хатамова, З. (2023). Из истории денежной политики в финансовой системе Коканского ханства. *Актуальные проблемы истории*

**"INTEGRATION, EVOLUTION, MODERNIZATION:
WAYS OF DEVELOPMENT OF SCIENCE AND EDUCATION"**

Узбекистана, 1(1), 327–336. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/history-of-uzbekistan/article/view/16511>

5. Nazirjonovna, K. Z. (2022). Political-Financial Analysis of the Issues of Science of the Kokand Khanate in the Work of Khudoyorkhonzade "Anjum At-Tavorikh". *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY*, 3(10), 102-111. Retrieved from <https://cajssh.centralasianstudies.org/index.php/CAJSSH/article/view/463>
6. Burkhanov, I. M. (2020). "ZAKAT" HAS ENSURED FAIRNESS AND BALANCE IN SOCIETY. *Theoretical & Applied Science*, (5), 201-204.
7. Muhiddinovich, B. I. (2020). Negative impact of the tax system on political life-on the example of the history of the Kokand Khanate (1850–1865). *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(5), 790-795.
8. Burkhanov, I. (2021, June). The importance of the scientific heritage of Asomiddin Urinboyev in the study of the history of the Kokand khanat. In *Конференции*.
9. Бурхонов, И. М. (2019). ҚҮҚОН ХОНЛИГИ МАЪМУРИЙ БОШҚАРУВИДА СОЛИҚ ТИЗИМИНИНГ СИЁСИЙ ХАЁТГА САЛБИЙ ТАЪСИРИ (1850-1865). *ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ*, (19).
10. Burkhanov, I. (2021). The importance of the scientific heritage of Asomiddin Urinboyev in the study of the history of the Kokand khanat: <https://doi.org/10.47100/conferences. v1i1. 1242>. In *RESEARCH SUPPORT CENTER CONFERENCES* (No. 18.05).
11. Бурханов, И. (2023). Научное наследие Шарафиддина Али Язди в интерпретации Асомиддина Оринбоева. *Актуальные проблемы истории Узбекистана*, 1(1), 165–171.
12. BURKHONOV, I. FROM THE HISTORY OF THE TRANSLATION OF THE WORK OF ABURAZZAK SAMARKAND" MATLA'I SA'DAYN AND MAJMA'I BAHRAIN. *ЭКОНОМИКА*, 138-144.
13. Muhiddinovich, B. I. (2022). The Importance of Asomiddin Urinboev's Scientific Research in the Study of the History of the Kokan Khanate. *Kresna Social Science and Humanities Research*, 3, 175-179.
14. Бурхонов, И. М. (2020). «ЗАКОТ»-ХАЛҚИМИЗ ХАЁТИДА АДОЛАТ ВА МУТАНОСИБЛИК ОМИЛИ. *ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ*, 3(5).
15. Muhiddinovich, B. I. (2022). In the Study of the History of the Kokand Khanate. *Eurasian Journal of History, Geography and Economics*, 6, 68-71.
16. Burkhanov , I. . (2022). FROM THE HISTORY OF THE USE OF THE SCIENTIFIC HERITAGE OF KOKAND SCIENTISTS ASOMIDDIN URINBOEV. *International Bulletin of Medical Sciences and Clinical Research*, 2(10), 63–67.
17. Хатамова, З. (2021, August). EXPENDITURE OF INCOME FROM

**"INTEGRATION, EVOLUTION, MODERNIZATION:
WAYS OF DEVELOPMENT OF SCIENCE AND EDUCATION"**

TAXES AND LEVIES IN THE KOKAND KHANATE: <https://doi.org/10.47100/conferences. v1i1. 1230>. In RESEARCH SUPPORT CENTER CONFERENCES (No. 18.05).

18. Хатамова, З. Н. Особенности налоговой системы Кокандского ханства / З. Н. Хатамова. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2020. — № 5 (295). — С. 254-256. — URL: <https://moluch.ru/archive/295/66918/>

19. Nazirjonovna, H. Z., & Abdumannobovich, N. M. (2020). Tax system on the territory of kyrgyzstan during the Kokand Khanate. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(6), 209-212.

20. Xatamova, Z. (2020). Expenditure of state funds replenished by taxes in the history of the kokand khanate. *EPRA International Journal of Research and Development (IJRD)*, 5(3), 274-277.

21. Хатамова, З. Н. (2020). ҚҮҚОН ХОНЛИГИДА СОЛИҚЛАР ҲИСОБИГА ТҮЛДИРИЛГАН ҲАЗИННИНГ САРФ ЭТИЛИШИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР. *ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ*, (SI-1№ 4).

22. Xatamova Zumradxon Nazirjonovna. *INFORMATION ON THE PROVISION OF THE FUND IN THE KOKAND KHAN. Look to the past.* 2020, SI, pp.590-595